



## ЖИНОЯТ ИШИ ЮРИТУВИДА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

**Kosimov Shaxobiddin Utkirovich**

Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi tinglovchisi

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8108624>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 29<sup>th</sup> June 2023

Online: 30<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Терговга қадар текширув,  
далил, жиноят иши, гумон  
қилинувчи, исботлаш  
предмети, номақбул далил.

### ABSTRACT

*Ушбу илмий тадқиқот натижасида жиноят процессида фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш борасида, шунингдек шахсни айблаш ва ҳукм қилишда фақатгина ишончли далилларга асосланиш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалар юритилган. Бундан ташқари мақолада далиллар мақбуллигининг жиноят процессуал қонунчиликдаги асосий қоидалари ва тартиби масласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бир қаторда бу борадаги айрим илмий хулосалар ҳам ишлаб чиқилган.*

Исботлаш жиноят процесси асосий институтларининг бири ҳисобланади. Айнан исботлаш орқали суд ишлари юритувининг натижасига эришилади.

Таҳлил қилинаётган институтнинг аҳамияти ҳам жиноят ишлари юритувида номаён бўлади, чунки далиллар мажмуига баҳо бериш орқали суд шахс айбдорлги ёки айбсизлиги масаласи бўйича якуни тўхташга келишга ёрдам беради. Бу эса ўз ўрнида жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг асосий вазифаларидан бири бўлган айбдор шахсга нисбатан адолатли ва қонуний жазо қўллаш ва айбсиз шахсларни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортмасликни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Исбот қилиш процедурасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун судга қадар иш юритишда амал қилининши керак болган процессуал тартиб ва талабларга, шунингдек суд муҳокамаси давридаги процессуал қоидалар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, судга қадар иш юритиш жиноят ҳақида ариза ва хабарлар билан ишлаш, яъни терговга қадар текширувдан бошланади. Лекин таъқидлаш жоизки, терговга қадар текширув мажбурий характерга эга бўлган жиноят процесси босқичи эмас, чунки ҳар бир ҳолатда уни ўтказишга зарурат мавжуд бўлмайди. Терговга қадар текширув ўтказишнинг асосий мақсади келиб тушган ариза ёки хабарда жиноят



аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш. Айнан терговга қадар текширув жараёнида дастлабки процессуал ва тергов ҳаракатлари амалга оширилиб, унинг якуни бўйича процессуал қарор қабул қилинади. Терговга қадар текширувда ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган айрим процессуал, тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилишига рухсат этилган. Мазкур ҳаракатларнинг натижалари мажмуи келгусида терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи ёки терговчи томонидан баҳоланади ва унинг асосида процессуал қарор қабул қилади. Маълумки, далиллар тўплаш усулларига тергов ва суд ҳаракатлари киради (ЖПКнинг 87-моддаси). Айнан ушбу ҳаракатлар орқали ишончли бўлган далилий маълумотлар тўпланади ва уларга асосланиб процессуал қарорлар қабул қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Лекин ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов ҳаракатлари натижаларига эмас, балки олинган тушунтириш хатлари ёки текширилмаган ҳужжатларга асосланиб иш қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳолатлари учрайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (194-197-моддалари) Жиноят кодекси (230-241-моддалари) ва Жиноят-процессуал кодекси (271-моддаси) моддалари таҳлили шуни кўрсатдики, тушунтириш хати далил бўла олмайди, чунки ҳар бир фуқаро иш юритишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг қонуний талабларига бўйсиниши ва тегишли тартибда тушунтиришлар беришга мажбур, аммо унда акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига эса жавобгар эмас.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунтириш хатларига асосан процессуал қарорлар қабул қилиш ҳолатларига чек қўйиш шартлиги тўғрисида хулосага келинди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш терговга қадар текширув устидан назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан амалга ошириши лозим, чунки айнан ушбу процесс иштирокчисига ЖПКнинг 33, 34 ва 338-моддалари талабларига мувофиқ процессуал ваколатлар берилган.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув давомида тўпланган ҳар қандай далилий маълумотлар келгусида тергов давомида қўшимча равишда текширилиши лозим. Чунки, қисқа вақт ичида тўпланган маълумотлар фақат жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун йўналтирилган. Иш ҳолатларини батафсил ўрганиш ва исботлаш айнан тергов ва суд муҳокамаси даврида амалга оширилади. Фикрларимиз тасдиғи сифатида қўшимча равишда бир қатор ҳолатларни ҳам келтириб ўтамиз.

Терговга қадар текширув давомида рухсат этилган тергов ҳаракатларидан бири бу ҳодиса жойини кўздан кечириш. Мазкур тергов ҳаракати аксарият ҳолатларда биринчи бўлиб ўтказиладиган тергов ҳаракатидир. Аммо ушбу тергов ҳаракати кўздан кечириш тергов ҳаракатининг фақатгина битта йўналиши бўлиб, мурдани, теварак-атрофни, нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш алоҳида йўналишлар ҳисобланади. Ҳодиса жойига етиб борилганида ҳар қанда тергов ҳолати бўлиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди. Мисоли, ҳодиса жойида мурда аниқланган тақдирда, айнан ЖПК нормалари бўйича ҳаракат қилинган тақдирда мурдани кўздан кечириш, ундан экспертиза учун намуналар олиш каби рухсат этилмаган тергов ҳаракатларини амалга оширмаслик зарур. Аммо тергов амалиётида зарурат туфайли ушбу ҳаракатлар амалга оширилиб ягона тергов ҳаракат сифатида расмийлаштирилади. Шу каби ҳолатларни



ҳам ЖПКнинг 95<sup>1</sup> моддаси талабларига мувофиқ процессуал қонун нормалари бўзилиши сифатида баҳолаш ва тўпланган маълумотларни номақбул далил сифатида эътироф этиш мумкин. Шу боис, терговга қадар текширув давомида тўпланган ҳар қандай далилий маълумотлар кейинчалик қўшимча равишда текширилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрларнинг мантиқий давоми сифатида эндиликда тергов жараёнида далиллар мақбуллигини таъминлаш талабларига диққатимизни қаратамиз.

Жиноят ишлари бўйича тергов (суриштирув ва дастлабки тергов) давомида асосий масалардан бири – бу процессуал шаклга риоя этиш.

Бу савол далилларни олишда процессуал шаклнинг бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари билан боғлиқ (яъни ҳар қандай процессуал бузилиш, албатта, номақбул далилларни келтириб чиқариши керакми). Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тартибининг қонунийлиги масаласи процессуалистлар томонидан турлича талқин қилинади. Баъзи олимлар қонунбузарлик ҳолатида олинган далилларни чиқариб ташлаш зарурлигини тақидлайди. Бошқалар эса фақат жиноят-процессуал қонунчилигининг жиддий бузилиши, яъни ҳукмнинг қонунийлиги ва асослигига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган далилларни номақбул деб топиш мақсадга мувофиқ дея ҳисоблайди.

Сўнгги йилларда процессуал шакл бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари билан боғлиқ масала катта мунозараларга олиб келмоқда. Ушбу масалада хусусан иккита ёндашув шаклланган. Улардан бири “заҳарланган дарахтнинг мевалари” концепцияси билан боғлиқ, яъни далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг белгиланган тартибини ҳар қандай бузган тақдирда, уларнинг табиати ва даражасидан қатъи назар, далилларнинг сўзсиз номақбул деб топиш позициясини ҳимоя қиладилар[1]. Бошқа олимлар эса далиллар номақбуллиги масаласига табақалаштирилган ёндашувни қўллаб-қувватлайди, яъни қонун бузилишларда жиддий ва аҳамиятсиз, тўлдириладиган ва бартараф этиб бўлмайдиган қонун бузилишларга турлича ёндашув бўлиши шартлиги тарафдори[2].

Мазкур муаммо нафақат процессуал, балки жиноят-процессуал қонунчилиги йўналишидаги давлат сиёсати билан ҳам боғлиқ. Биринчи ёндашувда давлат тергов, суриштирув органлари ва судни ҳар қандай қоидабузарликлардан ўзин тийиши, ушбу қаттиқ қоидалар орқали далилларнинг сифатини таъминлаши ва албатта ҳуқуқий негилизмни енгишга қаратилган. Иккинчи ёндашув эса жиноятчиликка қарши кураш манфаатларидан келиб чиқадиган ғояга асосланади, агар ҳақиқатан ҳам бартараф этиш ёки ўрнини тўлдириш мумкин бўлган далилларга бундай муносабат бўладиган тақдирда бошқа шахслар бундан зарар кўриши мумкин деб ҳисоблашади.

Кам аҳамиятли қоидабузарликлар деганда, шаклланган далилнинг тўғрилигига, тўлиқлигига ва ишончилигига таъсир қилмаган ва таъсир қила олмайдиган қоидабузарликлар тушунилиши керак. Масалан, гувоҳни сўроқ қилишга учун чақириш қонунда назарда тутилмаган тарзда амалга оширилган тақдирда ушбу ҳолат тергов ҳаракатининг тўлиқлиги ва ишончилиги таъсир қилиши мумкин эмас, чунки сўроқ қилиш учун чақириш тартиби терговчининг ҳолатни аниқлаш фаолиятига таъсир қилмайди.



Шуни таъкидлаш керакки, процессуал қоидабузарликларнинг бартараф этилиши ёки этилмаслиги ҳақида фақат иккита компонентга нисбатан кўриб чиқиш мумкин:

- 1) далилларни олиш усули;
- 2) олинган далилларни расмийлаштириш жараёни.

Бартараф этиладиган ва этилмайдиган процессуал қоидабузарликлар ўртасидаги фарқ, биринчи навбатда, қуйидагилар билан белгиланади:

- шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларининг бузилиши ёки чекланиши ва процессуал шаклдан четга чиқиш натижасида ҳосил бўлган исбот қилишдаги бўшлиқни бартараф этиш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги. Табиийки, жинойат жавобгарликка тортилганда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини бузиш ҳар доим юридик кучга эга бўлмаган далиллар сифатида тан олинишига олиб келади.

Бартараф этиладиган далилларга ўрнини тўлдириб бўладиган далиллар тушунилиши лозим (масалан, тергов ҳаракати баённомасида имзолар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни кейинчалик чақирув орқали бартараф этиш мумкин). Тергов ҳаракатларининг мазмунига келсак, тўсиқлар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу тергов ҳаракатларини такрорлаш, яъни тўлиқ ёки қисман уларни қайтадан амалга ошириш имконияти бўлган тақдирда йўл қўйилган процессуал қоидабузарликларни ҳам бартараф этиш мумкин (масалан, ҳодиса жойини қайта кўздан кечириш, тергов экспериментини ўтказиш в.х.). Албатта бундай ҳолатларда ҳодиса жойида жиноят излари сақланганлигига ҳам эътибор бериш лозим. Агарда дастлаб ушбу излар нотўғри мустаҳкамланган бўлса ёки сўроқ баённомасида унинг бошланган вақти кўрсатилмаган бўлса шу каби ҳолатларни бартараф этилиши мумкин бўлган процессуал қоидабузарликлар қаторига киритиш лозим.

Дастлабки тергов ва суриштирув давомида далиллий маълумотларни тўплашга йўналтирилган яна бир ҳаракатлар тизими – бу тезкор-қидирув фаолиятидир. Айнан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали ҳам далиллар тўпланиши мумкинлиги ЖПКнинг 81-моддасида белгиланган. Макур моддада тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш бўйича бир қатор талаблар белгиланган, яъни: “тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ЖПК нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шакланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин” [3]. Шунингдек ЖПКнинг 87-моддасида ҳам олдин таъкидлаб ўтканимиздек, далилар тўплаш усулларига тезкор-қидирув тадбирлари ҳам киритилган. Шу каби тартиб Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳам белгиланган (19-модда) [4]. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 9 банди [м кичик банди](#)да [5] ҳам белгиланган. Ушбу ҳужжатларни таҳлил қилиш натижалари бўйича, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд



шартли равишда текшириши ва фақатгина ЖПК нормалари талабларига мувофиқ баҳоланганлигидан кейин далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин.

Фикримизча, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш зарурати кўйидагича факторлар билан боғлиқ:

1. Уни амалга оширувчи алоҳида субъектлар жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланмаслиги;
2. Ушбу фаолият алоҳида қонун билан тартибга солиниши;
3. Ушбу фаолиятда конспирация принципнинг амал қилиши;
4. Маълумотлар тўплашда ноошкора усуллардан фойдаланилиши;
5. Тезкор-қидирув тадбирларининг айрим турлари шахсни ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишга ундаши мумкинлиги (масалан, текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш, назорат остида етказиб бериш).

Кўриниб турибдики, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини исботлашда фойдаланишнинг асосий мезони маълумотларнинг ишончилиги ҳисобланади. Агар маълумот ишончли бўлмаса, унда далилларнинг мақбуллигининг бошқа шартлари ҳақида фикрлаш зарурати бўлмайди. Айтишимиз мумкинки, ишончилик тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг ажралмас белгисидир, маълумотларнинг ишончилигини баҳолаш жинойят процессда бўлгани каби расмий мезонларга мувофиқ баҳоланади. Баҳолашда кўйидаги мезонларга таянади:

- ушбу ҳаракат Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда назарда тутилганми;
- тегишли субъект томонидан амалга оширилганми;
- Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари асослари ва шартларига риоя қилинганми.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини исботлаш жараёни фойдаланишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Улардан бири – бу тезкор-қидирув фаолияти натижаларини процессуал маънода далилларга айлантириш учун меъёрий тан олинган қоидаларнинг мавжуд эмаслиги. Жиноят процессида тезкор-қидирув фаолияти маълумотларини далил сифатида қабул қилиш фақат исботлаш ҳуқуқининг асосий постулатлари ва далилларнинг мақбуллигини белгилайдиган талабларга қатъий риоя қилинган тақдирдагина мумкин.

Ушбу қоидалар ва талабларга риоя этимаслик тезкор-қидирув фаолияти маълумотларини далилларга айлантириш имкониятини истисно қилади. Асосий талаблардан бири эса – бу далилларни текшириш. Бу шуни англатадики, тергов органлари, прокурор ва суд манбанинг ишончилиги ва бу жараёнда далилларнинг мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг бузилиши содир бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун далилларни шакллантиришнинг бутун хронологиясини кузатиши керак.

Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 2 қисми талабларига мувофиқ далиллар жиноят-процессуал қонунда белгиланган шаклга эга бўлиши керак, яъни қонунда белгиланган далил турларидан бирига тегишли бўлиши лозим. Шу билан



бирга, тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишига ҳар қандай далил сифатида эмас, балки ашёвий ёки бошқа ҳужжатлар сифатида киритилиши мумкин.

Бунинг сабаби шундаки, жиноят процессига фақат объектлар ва ҳужжатлар асл шаклини сақлаб қолган ҳолда киритилади, шу билан бирга процессуал фаолият жараёнида воқеалар изларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар ҳар доим ўзгартирилиб, бошқача шаклга эга бўлади. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида унинг натижалари жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиши мумкинлиги белгиланган. Идоралараро ҳужжатлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга, агар уларда жиноят белгиларини кўрсатадиган етарли маълумотлар мавжуд бўлса, тақдим этиш тартибини белгилайди. Аммо ушбу кўрсатмаларда ушбу материалларни қабул қилиш қандай амалга оширилиши кераклиги кўрсатилмаган. Албатта тезкор-қидирув тадбирлари натижалари тасдиқланиши ва тегишли тартибда расмийлаштирилиши зарур бўлиб, одатда билдирги, маълумотнома свод маълумот ва ҳисоботлар кўринишида бўлади.

Ушбу ҳолатда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини расмийлаштириш шакли мавжуд дея ҳисоблашимиз мумкин. Тергов органларининг тезкор-қидирув бўлинмаларидан олинган далилларни қабул қилиш, текшириш ва баҳолаш ҳуқуқи, уларнинг жиноят процесси иштирокчилари томонидан тақдим этилган далилларни текшириши ва баҳолаши каби тартибда амалга оширилиши лозим.

Тергов давомидаги исбот қилиш жараёнида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш масалалри таҳлили бўйича қўйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

1. Жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолияти битта кримкогнитив тизимнинг элементлари ҳисобланади;
2. Ушбу элементларнинг ўзаро фаолияти ахборотнинг ишончилигига таъсири қилади;
3. Жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолиятида тўпланган маълумотлар интерпретация қилиниши керак. Концептуал жиҳатдан жиноят процессидаги исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш учун жиддий тўсиқлар мавжуд эмас. Уларнинг когнитив моҳиятига ва уларга хос бўлган хусусиятларга кўра, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, далиллар сингари, исботлаш жараёнида исботлаш предметини ҳосил этувчи ҳолатларни аниқлашнинг ишончли воситаларидан бири ҳисобланади.

Эндиликда, жиноят ишларини судларда кўриш жараёнида далиллар мақбулликни таъминлаш масалаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жиноят иши материаллари судга келиб тушганда, суд ЖПКнинг 396-моддаси талабларига мувофиқ дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар мавжудлиги масаласини кўриб чиқиши лозим. Ҳуқуқшунос С.М.Рахмонованинг фикрича, дастлабки суд мажлисининг мазмуни жиноят-процессуал қонуниданазарда тутилган ва қатъий процессуал шаклда амалга ошириладиган суднинг, шунингдек айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатлари тизими бўлиб, дастлабки эшитув-



суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланади[6]. Дастлабки эшитув институтининг ЖПКга жорий этилишидан асосий мақсадлардан бири – бу номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш. Айнан ушбу ҳолида мувофиқ далиллар мақбуллиги масаласи ишни судда кўриш учун тайинламасдан туриб амалга оширилади. Хаттоки, суд ЖПКнинг 405<sup>10</sup> моддасига мувофиқ жиноят ишини тугатиш ваколатига ҳамм эга.

Номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисида томонлар, яъни прокурор ёки ҳимоячи илтимоснома киритиши мумкин. Бунда албатта манфаатдор томон келтирган илтимосномасини ЖПК нормалари асосида асослантириши лозим. Далиллар қонунга хилоф усуллар билан ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ёхуд ЖПК талабларини бузган ҳолда олинганлигига асосланган ҳолда уларни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳимоя тарафи томонидан берилган илтимосномани кўриб чиқиш чоғида ҳимоя тарафи тақдим этган важларни рад этиш прокурорнинг зиммасида бўлади. Қолган ҳолларда буни исботлаш вазифаси илтимоснома берган тарафнинг зиммасида бўлади.

ЖПК 405<sup>11</sup> моддаси талабларига кўра агар суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва у ҳукмга ёки бошқа суд қарорига асос бўлиши, шунингдек суд муҳокамаси жараёнида бу далилни текшириш ва ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкин. Фикримизча, ушбу тартибнинг ЖПКда белгиланиши судга келиб тушган жиноят ишлари материалларида мавжуд бўлган далилларнинг етарлилиги, асослантирилганлиги, ишончлилиги, алоқадорлиги ва мақбуллигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу борада процессуалист олим В.П.Вериннинг фикрини келтириш ҳам мақсадга мувофиқ: ушбу босқичнинг асосий мақсади судга дастлабки тергов органлари, прокурорлар томонидан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бузилишига йўл қўйган жиноят ишларининг келиб тушишини истисно қилишдир[7].

Суд, келиб тушган жиноят иши бўйича дастлабки эшитувда далилларнинг номақбуллиги масаласини кўриб чиқишда, асосан уларни бевосита усулда текшириши мақсадга мувофиқ, чунки ушбу босқичда жиноят иши материалларига баҳо берилади ва унинг келгусидаги тақдирини ҳал қилади.

Аmmo мазкур фикрни рўёбга чиқаришда бир қатор тўсиқлар мавжуд бўли, улар қўйидагича:

Биринчидан, суд иш ҳолатларини тўлиқ ўрганишига процессуал муддатларнинг етрали эмаслиги;

Иккинчидан, суд тарафларнинг илтимосномаси бўлмаган тақдирда, бевосита ўзи дастлабки эшитув ўткази олмаслиги;

Учинчидан фақат илтимосномада келтирилган масалалар доирасида ҳаракат қилиши;



Тўртинчидан, камчиликлар аниқланган тақдирда жиноят иши материалларини қўшимча терговга юбора олмаслиги.

Юқоридаги масалаларни жиноят-процессуал қонунчилигига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф этиш мумкин деган фикрдамиз. Жорий этилган институтнинг асосий функцияларини рўёбга чиқариш учун суд ваколатларини кенгайтириш лозим.

## References:

1. Чувилев, А. Плоды отравленного дерева / А. Чувилев, А. Лобанов // Российская юстиция. – 1996. – № 11.
2. Зажицкий, В.О. О допустимости доказательств // Российская юстиция. – 1999. – №
3. <https://lex.uz/docs/111460>
4. <https://lex.uz/docs/2107763>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги 24-сон қарори
6. С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук.–Т: 2018 ., -289 ст.
7. Практика применения Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации. Практическое пособие /Под ред. В.П. Верина. М.: Юрайт-Издат, 2006. –80 с.